

# **Соҳа мутахассислари томонидан куз-қиши мавсуми олдидан профилактик тадбирлар ўтказилмоқда**



Хукуматнинг тегишли фармойиши ижросини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқлари, саноат корхоналари, хизмат кўрсатиш обьектлари, кўп квартирали турар жой фонди ва ижтимоий соҳа обьектларини 2023-2024 йиллар куз-қиши даврда энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш ҳамда фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Термиз тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими ва ҳамкор ташкилотлар томонидан ўқув-амалий машғулоти ўтказилди.

Ўқув-амалий машғулоти давомида соҳа мутахассислари томонидан куз-қиши мавсумини беталафот ўтказиш, энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжини узлуксиз таъминлаш, шу билан бирга аҳолининг электр ва газ жиҳозларидан тўғри фойдаланиш, фавқулодда вазиятларда қандай йўл тутиш хусусида тушунтиришлар берилди.